

Раҳматулла Саримсоқов

**А. Қодирий номли Жиззах Давлат
Педагогика Институти**

**Вилоят халқ ижодиёти ва
маданий - маърифий ишлар
илмий услубият маркази**

ТОҒЛАРНИ ЖАРАНГЛАТГАН ҚЎШИҚЛАР

УСЛУБИЙ ТЎПЛАМ

Жиззах - 2012

Тузувчи:

Рахматулла Саримсоқов

-Жиззах Давлат Педагогика институти мусиқа таълим йўналиши бўлими доценти.

Такризчилар:

1. Жуманозаров Ў.

- Филология фанлари доктори Профессор.

2. Файзулаев Э.

- Педагогика фанлари номзоди.

3. Лутфуллаев С.

- Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази раҳбари.

Мухаррирлар:

Убайдуллаев Ҳ.

Шайманов Р.

Матнларни оққа кўчирувчи:

Норматов Х.

- Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази катта илмий ходими.

Сидиқов Ш.

- Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази бош мутахассиси.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ

Халқимиз азал-азалдан тўй ҳашамларда, байрамларда, ўзига хос йиғинларда ва йил фасллари байрамларида халқ қўшиқлари, рақслари ва ҳаракатли ўйинлари билан машғул бўлиб келган. Ҳозирги кунга келиб бу қўшиқларнинг ижрочилари фольклор қўшиқлари ижрочилари деб аталмоқда. Холбуки, бу қўшиқлар ижрочилари асосан қишлоқ жойларда, вилоятнинг узоқ чекка ҳудудларида жойлашган жойларда яшаб, ҳозирда миллий урф-одатларимиз, расм-русумларимиз ўз ҳолича сақланиб қолишида ўзак сифатида хизмат қилмоқдалар.

Халқ қўшиқларини ўрганишда эътибор қаратиладиган томонлар: ижрочининг кимлиги, жинси, касби, агар зарурат бўлса хулқ атвори каби жиҳатларига эътибор қилиш лозим. Фольклор қўшиқ ижрочилари халқимиз орасида ўзига хос характерли кишилар бўлиб, қўшиқ ижроси давомида йилнинг фасли, ҳафтанинг куни, куннинг қайси вақти эканлигини, давранинг кимлардан иборатлигини ҳаттоки, дастурхондаги қўйилган таомлар, ўтирган кўрпачаси, хонадоннинг шакли, ёнида ўтирганларнинг турқу-таровати, бў-ю-басти, агар таъбир жоиз бўлса, қошу-кўзини ҳам ҳисобга оладилар. Шунинг учун ҳам агар бирор қўшиқ ёзиб олинadиган бўлса, ижрочининг тўлиқ исми фамилияси (зарур бўлса лақаби) албатта ёзилиши шарт. Замонавий техникадан фойдаланган ҳолда ёзиб олишда эса, эҳтиёткорлик қилмоқ лозим, яъни қўшимча товушлар, шовқинлар, ортиқча безаклар берилмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Фольклор қўшиқни ёзишнинг энг асосий қондаси шева бузилмаслиги шарт. Биз бу китобда Жиззах вилоятининг Жиззах тумани ва шаҳри, Ғалларол тумани қишлоқлари ва шаҳри, Зомин тумани қишлоқлари ва шаҳри ва Фориш тумани туб аҳолиси орасидаги фольклор қўшиқлари ижрочилари, "Гаштак", "Зебомхон", "Зомин сайқали", "Боғдон гуллари" каби халқ фольклор-этнографик ансамбллари ҳамда Фориш туманининг "Тоғ шалоласи" фольклор ансамбли қатнашчилари томонидан ижро этилган қўшиқларни тўплаганмиз. Бу қўшиқлар педагогика институтларининг мусиқа факультетлари, маданият институти халқ ижодиёти факультети, маданият ва санъат коллежлари талабаларига, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва бадий ҳаваскорлик жамоаларига ўргатилиши мўлжалланган.

Р.САРИМСОҚОВ

II. ФОРИШ ТУМАН ФОЛЬКЛОР ҚҶШИҚЛАР

ЁЗИКАЛ (Айтишув)

Йигит: Ёзикал даврингда гуллар сочи­лур
Сен сўйласанг мени бахрим очилур,
Сўйласанг сўйламасанг омонда бўл,
Қизил гул жойида бўлса очилур.


Қиз: Дарёнинг ул ёғида уй­гунангиз
Оқариб кўринади гулгинангиз.
Ипмиди ипакмиди кийганингиз
Биздан ҳам ортиқмиди суйганингиз.

Йигит: Қиё-қиё боқишинга қул бўлай,
Қалдирғоч қанотинга қундуз бўлай
Ёр агар қоранғида юролмасанг,
Қўлимга машъал олиб қундуз бўлай.

Қиз: Дарёнии ул ёқасида бир туб ғўза,
Ғўзани тагларида тилла кўза.
Тилла кўза кўтармоққа би­лак қайда,
Ёр билан ўйнашмоққа юрак қайда.

* * *

Бу қўшиқ Фориш туман маҳаллий аҳолисининг айтишув қўшиқларидан ҳисобланиб, асосан далада ғалла ўрим даврларида катта ёшдаги кишилар томонидан яъни аёллар ва эркаклар томонидан ижро этилиб, асосан севги мадҳи куйланади. Севги фироғи, унинг машаққатли даврлари ҳамда юракда қоладиган излари-ю, армонлари куйланади.



ХУТТАЙ БЎЛИБ

Келаётир хуттай бўлиб,
Хурмадаги сутдай бўлиб.
Камзирларинг тугмаси
Пайванд солган тутдай бўлиб.

Нақорат:

Тутдай бўлиб тутдай бўлиб
Бир қиз келар сутдай бўлиб.

Бир золим бой ўғлига
Мен берай аччиқ шароб.
Бир боқиб икки қараб,
Қилди юрагимни хароб.

Нақорат:

Томга чиқсам қор ёғар,
Қолди калишимнинг изи.
Бир боқиб икки қайтди,
Бир золим бойни қизи.


Нақорат:

Мен берган аччиқ шароб,
Қилса юрагимни хароб.
Кел бўлайлик иккимиз,
Мажнуну – Лайли эртарок.

* * *

“Хуттай бўлиб” кўшиғи Фориш тумани аҳолисининг шевасида хуттай яъни сарвиқомат, баланд бўйли деган маънони билдиради ёки тик ўсган дарахт ва бошқа қоя тошлар каби тикликка мисол қилиб айтилган сўздир. Кўшиқда қиз боланинг нафақат қадди-қомати, ҳар бир кийган кийими, ҳатти ҳаракати, юриш-туришлари, муомаласи ва бошқалари ўзига хос ўхшатишлар билан таърифланиб, қиз болага бошдан оёқ юксак баҳо

берилади. Шунинг билан биргаликда бу қўшиқ асосан ҳазил мутоиба эвазига қурилган бўлади ва эркалалар билан тўлдирилиб борилади.



ЙИГИТ ҚИЗ АЙТИШУВИ

Қиз

Қошгинангни қақшатай
Белбоғингни бўшатай,
Ҳафтада бир кўрмасам,
Хуснингни кимга ўхшатай

Йигит

Қошгинангни қораси
Ўтмас пичокни яраси.
Менга ҳам ёр топилар
Кетмас кўнгил қораси

Қиз

Саллангиз мармар экан
Тиконга илдирма йиғиб
Мен сенга ошиқ бўлдим,
Душманга билдирма ечиб

Йигит

Душманингни ўзини
Ўйиб олай кўзини
Қулга бериб қизини
Шарманда қилай ўзини

Қиз

Дарёдан оқиб келади
Бир чиройли гул товоқ
Гул товоқ гулинг бўлай
Барно йигит ёрсиз бироқ.

* * *

Бу айтишув ҳам ўзига хос ўхшатма, таққослаш ҳамда ҳазил мутоиба сўзлардан иборат бўлиб, Фориш тумани туб аҳолисининг қадимий айтишувлари сарасига киради. Қўшиқда йигит-қиз коса тагидаги нимкоса, қочирим сўзлар билан бир-бирига асил дилидаги мақсадларини гоҳ пинҳона гоҳ ошкора айтадилар. Қўшиқнинг ҳаркатирили

томони ҳам ўзига хослиги ҳам ана шунда бўлиб, нафақат ёшлар ўрта ёшдаги ва кекса ёшдаги кишилар томонидан ҳам ижро этилади.



ХОЛОЙ-ЛОЛОЙЧИ

Холой-лолойчи келди
Кўчага мойчи келди
Мой қовоғин кўтариб,
Қизларга совчи келди

Совчи келса истайин
Ўз йўлимга кетайин.
Севганимга бермаса
Бошим олиб кетайин.

Отанг берди тегасан
Онанг берди тегасан.
Берганига тегмасанг
Айтиб қўйай ўласан.

Чит қўйлайки киймасман
Живир-живир гули бор.
Чол бобойга тегмайман
Кўкрагида юнги бор.

Юнги бўлса нетади
Олиб ташласа кетади.
Қарри бўлса майлига
Қадргинанга етади

* * *

Бу қўшиқ ҳам қадим қўшиқлардан ҳисобланиб, асосан қизлар даврасида, пинҳоний ўтиришларда, суҳбатларда ижро этиладиган қўшиқлардан ҳисобланиб, қизлар томонидан ижро этилади. Қўшиқнинг сўзларига эътибор қилсангиз бу ерда асосан суйилмаган совчи ҳақида ва қиз боланинг ўз дарди ҳақида фикр юритилади. Лекин баъзи-баъзида ёши

каттароқ бўлган аёлларнинг ижросида эшитиб қўшиқ оҳангининг мунгли ижро этилганлигининг ҳам гувоҳи бўлганмиз.



ҚИЛПИЛЛАМА

Деразамдан қарайман қилпиллама
Соқолимни тарайман қилпиллама.
Кампиримни кўрганда қилпиллама
Мўйловимни буролмайман қилпиллама.

Нақорат:

Йигитман деб шу бобой
Сақоли силкилайди.
Ёнидаги кампири
Ноз қилиб қилпиллайди

Ариқ бўйида ялпиз
Қўйнимда катта тарвуз.
Чолим бугун келмаса
Қандоқ ётаман ёлғиз.

Нақорат:

Форишимда кўй боқдим.
Бўйнига кўнғироқ такдим.
Шу жанонни дастидан,
Пода ёнида ётдим.

От бойладим хорига
Хоридан ҳам нарига
Отам сенга бермасди,
Ўзидан ҳам қарига.

* * *

Қадим қўшиқлардан ҳисобланган бу “Қилпиллама” қўшиғи Фориш ҳалқи шевасида ўзига хос жаранглайди. Қўшиқнинг сўзидаги ўхшатмалар, кинояли сўзлар ва яшириниб ётган аччиқ ҳақиқат қўшиқнинг асосий мақсади ва мантиқини келтириб чиқаради. Чунки ёши бир жойга борган кекса бобой ва кампирларнинг ёшларига хос бўлмаган ҳаракатлари танқид остига олиниб халқ олдида куйланганда кўпинча еингил кулгуга олиб келади. Бу

эса кўшиқнинг сўзи ва оҳангининг тингловчи қулоғида узоқ вақтгача сақланиб қолишини таъминлайди.



ГУЛВОҚҚА

Мен борай борганимча гулвоққа
Енгинамни солганимча гулвоққа
Енгим солган жойларга гулвоққа
Очилсин гулу-ғунча гулвоққа

Оқ шойидан кўйлагим гулвоққа
Кўринади билагим гулвоққа
Ёмон ёрни дастидан гулвоққа
Зада бўлди юрагим гулвоққа.

* * *

Дардли сўзлардан иборат бўлган бу кўшиқ асосан мунгли оҳангда куйланади. Ўзи кичкина кўшиб бўлиши билан бир қаторда ўрта ёшдаги аёллар томонидан куйланади ва асосий мақсад шундоқкина очик ойдин айтилганлиги кўриниб туради. Бу кўшиқ қадимий кўшиқлардан ҳиобланиб ҳар хил вариант, ҳар хил оҳанг ва баъзан эса сўзлари ҳам бир оз ўзгарган ҳолда куйланилишини кузатганмиз.

8. Ҳей ёр-ёр ёринман.



ХЕЙ ЁР-ЁР ЁРИНМАН

Оқ рўмолимни тенг бўламан
Хей ёр-ёр ёрингман
Аммамга келин мен бўламан
Хей ёр-ёр ёрингман

Аммам келин қилмаса,
Хей ёр-ёр ёрингман
Оташ тушиб кетаман
Хей ёр-ёр ёрингман

Оташ йўли чағил тош,
Бойнинг қизи қалам қош.
Олай десам пулим оз,
Қандай қилай қариндош.

Оташ йўли аймашган
Шохга ўтин қалашган.
Бизни ёрни белига,
Шойи белбоғ ўрашган

Оташ йўли улама,
Уламага йўл солма.
Самарқанддан олама
Қоши кўзи бўяма.

Сувни бетида кўпик.
Увадага ўхшайди.
Боғдонимни қизлари,
Қалам-қошга ўхшайди.

* * *

Бу кўшиқ икки хил ҳолатда куйланади. Баъзан яккахон қиз бола куйласа баъзан эса айтишув сифатида ҳам куйланади. Қўшиқнинг сўзлари Фориш туманинг туб аҳолиси шевасига таянган бўлиб, аймашган яъни кесишган деган маънони билдиради, оташ сўзи эса бу ерда севгилига етишмоқ йўлидаги оловли йўللارни мисоб қилиб кўрсатишдан иборатдир. Ана шундай қилиб, кўшиқ ўзининг сўзлари ўзига хослиги мантикий мақсаднинг нимкосалар остига яширилганлиги билан бошқа кўшиқлардан фарқ қилади.



ЭХ ХОХО

Сайётимни йўллари
 Кади палак гуллари.
 Ўйнаганда ярашар,
 Отагинам бўйлари
 Эх хохо, Эх хохо, Эх хохо,
 Эх хохо э, Эх хохо.

Сайётимда майсалар,
 Майсада ўйнасалар.
 Булар ким деб сўрасалар
 Форишликлар десалар.
 Эх хохо, Эх хохо, Эх хохо,
 Эх хохо э, Эх хохо.

Билагимда тўккиз кўз
 Душман қилар гапи сўз.
 Душман қилса гапи сўз,
 Айрилмайлик қора кўз.
 Эх хохо, Эх хохо, Эх хохо,
 Эх хохо э, Эх хохо.

Дарё бордим кечкани,
 Ўтирдим сув ичкани.
 Мен боламини соғинсам,
 Чанқотим йўқ учгани.
 Эх хохо, Эх хохо, Эх хохо,
 Эх хохо, Эх хохо, Эх хохо,

* * *

Бу қўшиқ Форишча беш қарсак йўлида ижро этилиб, асосан Сайёд кишлоғида яшовчи фольклор қўшиқ ижрочилари томонидан 20 асрнинг 50 йилладида яратилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам тўйу томоша ва байрамларда тет-тез ижро этилиб турилади. Қўшиқда асосан давра ўртасига тушиб уйнаётган кекса ёки ёшнинг ҳаракатли ўйинлари юриш-туриши, таъбир жоиз бўлса фел атвори ҳам ҳазил мутоибали тарзда куйланади ва ўзига хос “Э хо хо хей э хохо” каби сўз ўйинлари, овоз ўйинлари билан тўлдирилиб борилдаи.



ЧЎНКА ШУВОҚ

Чўнка шувок шувокқа,
Оташ кепти тувоққа.
Тувоқ синди кул бўлди
Чўнка шувок пул бўлди.

Чўнка шувок шувокқа,
Тез-тез ўйна увокқа.
Ўйин тугаса дарров,
Ош соламиз товоққа.

Катта катта ўйнасанг,
Булбулдайин сайрасанг.
Ош хам келар товоққа,
Ишинг қолмас увокқа.

* * *

Бу қўшиқ асосан “Чўнка шувок” халқ ўйини ўйналишидан олдин ёш болалар томонидан ижро этилиб, шувок яъни дала ўсимлиги атрофида давра олиниб, сигир жунидан тайёрланган юмолоқ тўпча билан шувокқа уришга ҳаракат қилиниб ўйналадиган ўйиннинг қўшиғи ҳисобланади.



Подачи қўшиғи

Пода келди бош-бош
Тўрт оёғи нуқра тош
Хайда поданг бўшама
Аталага ўхшама

Ха-хе бўшама
Ха-хе бўшама

Фориш тумани Сайёд қишлоғи фольклор қўшиқлари ижрочиларининг ижросида айtilган қўшиқ бўлиб, пода боқувчи яъни сугирларнинг чўпони айтиб ўзига хос чўпон таёғини бўйнидан айлантириб, аввал ўнг кейин чап қўлтиқларига қистириб сўнгра эса таёқни белига қўйиб икки қўлини таёқ ортидан ўтказиб гавдасини айлантириб ўйинга тушиб айтиладиган қўшиқ ҳисобланади. Энг қизиқарли томони шундаки ҳар бир подачининг таёғи ҳар хил бўлади. Бириники “Гаврон” деб аталса яъни тўғри таёқ, баъзилариники эса “Чўқмор” таёқ деб ҳам аталади. Бу таёқ ходанинг дарахт танасидан ёки томиридан ўсиб чиққан жойи билан кесиб олинган ҳолда ясалган бўлади. Иккала таёқни ҳам ўйин ёки рақсфга ишлатилганда ўзига хос айланма, тўғри чизиқли ва вертикал ҳолатдаги ҳаракатлардан фойдаланилади.



ОТГА МИНДИ

Пода келди бош-бош,
Тўрт оёғи нуқра тош.
Ҳайда поданг бўшама,
Аталага ўхшама.

Нақорат: Ха-хе бўшама – аталага ўхшама.
Ха-хе бўшама – аталага ўхшама.

Отга минган ўғлонлар,
Улоқ чопган полвонлар.
Ҳайда отинг бўшама
Аталага ўхшама.

Арқонни тортиб қизлар,
Тортишмачоқ ўйнашар.
Тортишганда бўшама
Аталага ўхшама
Ха хей бўшама ха хей бўшама

* * *

Бу қўшиқ подачига аталган халқ қўшиғи ҳисобланиб, ўзига хос ифори усул йўлида ижро этилиб, йингилгина ҳаракатли ўйинлари ва қўшимча қарсоқ чолиш билан бирга қўшиқ оҳанги тўлдирилиб борилади. Ана шунда гина қўшиқ жарандор янграйди.

КОКИЛ ТҮЙ

Еттигина ёшингдан
Орқангдаги сочингдан.
Тошдан бўлган бошингдан
Момоларинг айлансин.

Томоғингни астидан
Товоқ тараш айлансин.
Энгагиннинг тувидан
Эгар пуриш айлансин.

Толейингни тахдидан,
Тоғаларинг айлансин.
Ака сингил туғишган,
Боболаринг айлансин.

* * *

“Кокилтўй” маъросимида айтиладиган бу қўшиқ, етти ёшлик боланинг кокил тўйи кунда ижро этилади. Лекин ҳар бир фарзанд ўз ота онасининг жигардедаси бўлганлиги учун бир биридан гўзал ўхшатмалар ҳамда шева асосидаги қиёслашлар асосида ижро этиладиган бу қўшиқ ўзига хо шўх оҳангда ижро этилиб, асосан кампирлар томонидан куйланади. Чунки бу тўйда эркакларнинг қиладиган вазифаси кокил тўйи бўлаётган боланинг ҳуржуни тўла совға салом билан отга миндириб даврага олиб келишдан иборатдир. Чунки боланинг сочини онасининг кўйлагининг этагига қирқиб туширилиб, тоза матога ўраб бир четга олиб қўйиш қоидалари ҳам мавжудким сочни эса энг кекса аёл қирқади.

Терма

Йигитлар

Эй пари ноз айладинг,
Кўнглимни вайрон айладинг.
Боғ ичида сайр этиб,
Охири хайрон айладинг.

Қизлар

Сайёдимнинг йўллари,
Қади палак гуллари.
Ўйнаганда ярашар,
Отагинам бўйлари.

Йигитлар

Зулфишон дерлар сени,
Зулфингни ўрганинг қани.
Боқасан бир бир қараб,
Ёнимга келганинг қани.

Қизлар

Сайёдимда майсалар,
Майсада ўйнасалар.
Булар ким деб сўрсалар,
Форишликлар десалар.

Фориш туманинг Сайёд қишлоғи халқ кўшиқчилари ижросида йигитлар ва қизлар ижросида асосан қизлар базмида ижро этиладиган кўшиқ бўлиб, доира жўрлигида ўзига хос форишча усулда ижро этилади. Бу кўшиқ халқ кўшиғи ижрочиларининг топқирлиги эвазига яна бир неча тўртликлардан иборат бўлиши мумкин бўлиб, йигитлар ва қизларнинг асосан айтишув термаси деса ҳам бўлди. Йигитлар ва қизлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳар бир тўртликдан кейин қисқа ҳаракатли ўйин ва қийқириклар билан ижрочиларни кўллаб туришади. Шароитдан келиб чиқиб баъзи баъзида терманинг ижро оҳанги ўзига хос ҳолда ўзгариб туриши мумкин.



НОЗ ҚЎЙДИМ

Уёнингга ноз қўйдим, қўйдим
 Бу ёнингга ноз қўйдим, қўйдим
 Ўйнав ётган синглимни
 Отини Амиргул қўйдим.

Шойи қўйлак шохчада
 Шиқиллайди бўхчада
 Кеча келган келинчак
 Шиқиллайди кўчада

Нақорат:

Атлас қўйлак кийибсан
 Қайчи билан қийибсан.
 Ўз ёринг уйида туриб,
 Бегона билан кетибсан.

Нақорат:

Эшик олди ҳар толлар
 Ҳар шохида маржонлар.
 Бизга ошиқ бўлганлар
 Ҳар кўчага сарсонлар.

* * *

Ноз қўйдим сўзи бу қўшиқда нозланишинг ёки ўзига хос жилва қилишинг деган маънони билдириб, ҳе сени ўша рақсингга ноз қўйдим деб бошланса қўшиқ давомида рақс ижрочиларининг ҳар бирига ўзига хос танқидий шарҳ бериб кетади. Натжедада қўшиқ асосий мақсади нафақат ҳазил мутойиба балки танқид эвазига ҳам тузилган сўзлар жилвасидан иборатдир.



БЕШ ҚАРСАК БАЙИТЛАРИ

1. Байит-байитни кони
Бизлар ҳам байитни кони
Бизлар ҳам байит айтганда
Чиқсин жувонни қони.
2. Бундан ҳам бордим беш-бешга
Сигир олим ўн бешга.
Сути қаймоғи сизгаей,
Бир муччи беринг бизга.
3. Бунданам бордим Челагингга
Ун эладим элагингга.
Бедана осдим катагинга
Воқ-воқни конини кўрдим
Воқ-воқни коннини кўрдим.
4. Байит айтайин бошидан
Ҳазрат Алини қошидан.
Бир ичмоққа хавасдаман
Чечамни кесган ошидан

Нақорат:

Эх-хо эх-хо ё эх-хо
Эххо чўқди эххо чўқди
Эххо мийманга эххо зиёпа
Эххо эгилади тол чивикдак
Эххо буралади-буралади.

* * *

Жиззах вилоятининг Фориш, Ғаллаорол, Бахмал ва Зомин туманлари туб аҳолиси орасида қадим қадимдан байит барак айтиш ўзига хос бир мактаб ҳисобланиб, байитларнинг ҳар бир тўртлигида бироро бир мақсад ёритилади баъзан ҳазил мутойиба учраса баъзан эса аччиқ сўзли танқидлар ҳам учрайди. Байит бараклар йигитлар томонидан айтилиб, жуда кўплаб тўртликлардан иборат бўлади.



САЙЁДЛИК САНАМ ҚИЗЛАР

Сайёдлик санам қизлар,
 Ҳалимни хўп эшади.
 Севгига хумор кўзлар
 Дилларни хуп сезади.

Нақорат:

Эй қизлар қизлар қизлар
 Сайёдлик санам қизлар.
 Эй қизлар қизлар қизлар
 Сайёдлик санам қизлар

Уста қишлоқ қизлари
 Хўп пазанда мулойим.
 Тансиқ таом тайёрлар,
 Ҳар бир байрамда доим.

Нақорат:

Уста қишлоқдан олсанг
 Агар тарбия таълим.
 Болғалар залворидан
 Темирлар бўлар ҳалим.

* * *

Бу кўшиқ Фориш туманинг Сайёд ва Уста қишлоқ аҳолиси фольклор кўйқчилари томонидан яратилган бўлиб, асосан қишлоқ аҳолисининг қизлари гўзаллиги, одоби усталарининг касбига меҳри ва хоказоларни куйлаб, ҳар бир касб эгасига ўзига хос ҳақиқий тариф беради ва натижада бу кўшиқ орақали қишлоқ аҳолиси ҳаётини кенг тариф қилади.

18. Ҳа дурма.



ХАДУРМА

Хадурма дурма-дурма дурма
Қоши кўзига сурма.
Хадурмачи қизларни,
Қўлларида чилдурма.

Боғдонни бошида
Сайёдимни таннози.
Сорибек дутор ясар,
Оқилбекдир устози.


Нақорат:

Хадурма дурма-дурма дурма
Қоши кўзига сурма.
Қошингни қароси сени
Зар кокилингдан сени.

* * *

Дурма-дурма кўшиғи қадим кўшиқлардан ҳисобланиб, асосан кўшиқ ижрочилари қизларнинг дуркунлиги куйланади. Қолаверса яна ўша сайёд қишлоғининг уста аҳолиси вакиллари ҳақида ҳам кўшимча фикрлар бериб ўтадиким дурма сўзи дуркунлик маъносини билдиради.

V. БАХМАЛ ТУМАНИ ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАР



ПОТМА ПАТИР

Нақорат:

Потма патир
Жупқа қатир
Жупқанг пишса
Бизни чақир

Чачингда бор жамалак
Кўкка чиқди камалак
Чечамнинг юзлари ё
Бундай гўзал ой малак.

Нақорат:

Қозон тўла қотирма
Чечамнинг ишлари кўп
Бошгинамни қотирма

Нақорат:

Чоагинингдан чечажон
Чойди ичишингдан чечажон
Чой қайнатиб ичилган
Чой идишингдан чечажон

* * *

Потма-Бахмал тумани аҳолисининг маҳаллий шевасида Фотима исмининг ўзига хос ўхшатмаси бўлиб, патир, жупқа (ғилминдди) ва бошқа овқатларга уста пазанда деб тарифланади. Агар қўшиққа назар ташласак Потма чечанинги исми эканлиги яққол кўриниб туради. Қўшиқ эса ўзига хос ўйноқи оҳангда қарсақ жўрлигида ижро этилади.



“ХО ЯЛЛА – ЯЛЛА”

Хо ялла – ялло
Жамалаги тилло
Хо ялло ялло қизгина
Жамалаги тилло қизгина

Бозор боради қизгина
Дўппи олади қизгина
Нози қарашлар билан
Дўппи кияди қизгина

Нақорат:

Бозор бороди қизгина
Ўсма олоди қизгина
Нози қарашлар билан
Ўсма қўйоди қизгина

Нақорат:

Бозор бороди қизгина
Сурма олоди қизгина
Нози қарашлар билан
Сурма қўйоди қизгина

Нақорат:

Бозор бороди қизгина
Туфли олоди қизгина
Нози қарашлар билан
Туфли киёди қизгина

* * *

Бу кўшиқ ёш қизчаларга аталган бўлиб, унинг юруш туриши, кейиниши, ўзига хос характери ва ҳоказоларини таърифлаб, сўз ўйини эвазига тузилган кўшиқ бўлиб, қарсак жўрлигида шўх оҳангда ижро этилади.



“ЗЕБОМ ХОЛ”

Зебом хол ноз қилма
Ноз қилсанг ҳам маст қилма

Ака отинг кўкмиди
Кўк бедаси йўкмиди
Мунча бўйлаб қарайсан
Ҳеч қўрганинг йўкмиди

Нақорат:

Ака-ака дедингиз
Беш чақамди жедингиз
Беш чақамди жеб бўлиб
Яна нима деденгиз

Нақорат:

Ака отинг омонми
Пелинг жуда ёмонми
Ака манзил қилибсан
Борган жойинг омонми

* * *

Ҳазил сўзлар эвазига қурилган бу қўшиқ ғоҳ мактов, ғоҳ танқид сўзлар асосида куйланади. Чунки бу ерда меҳмоннинг ўз чегарасидан чиққанлиги кўрсатилади ва инсофга чақирилган ҳолда йингил танқид остига олиниб, шўх оҳангда куйланади.



ТАНДИР КАБОБ

Омон-омон омонда
Бахмал деган томонда
Тайёрлашар зўр таом
Сифатин айлай давом.

Куйганда дейсан вох-вох-вох
Жеганда дейсан ох-ох-ох
Касал еса тузалар
Бола еса улғаяр.

Бўлсин қўчқорнинг эти
Ёки семиз қуй гўшти
Куйганда дейсан вох-вох-вох
Жеганда дейсан ох-ох-ох

* * *

Бахмал туманинг тансиқ таъомларидан бири арча кабоб ҳақидаги бу қўшиқ асосан чўпонлар қўшиғи ҳисобланади. Чунки бу таом биринчи марта чўпонлар томонидан яратилган бўлиб, ўзининг мазалиги, тўйимлилиги, ширинлиги арча ҳиди ва унинг дардга давоилиги тарифланиб, куйланади.



АЛИ БЎЙДОҚ ВА ЯРАШ-ЯРАШ

Али бечора бўйдоқдур,
Минган оти жайдоқдур.
Бўйдоқ бўлсанг ўзинга,
Қараб юр-да кўзинга.

Яраш-яраш-яраш-ов,
Ярашмасанг ёр қайда
Сен бўйдоқ отинг жайдоқ,
Отинга эгар қайда.

Али ўзи совмикан,
Ё калласи говмикан.
Муйинсани хапа қилиб,
Ё хотинсиз ўтармикан.

Эри-хотин уриши,
Доко румол куриши.
Бу ишларни кўйинглар,
Бир-биринга тўйинглар.

Яраш-яраш-яраш-ов,
Ярашмасанг ёр қайда
Сен бўйдоқ отинг жатдоқ,
Отинга эгар қайда.

* * *

Бахмал тумани туб аҳолисининг уришиб қолган эр хотинларни яраштириш учун айтиладиган бу кўшиғи жуда ўзига хослиги билан бошқа кўшиқлардан кескин фарқ қилади. Айниқса кўшиқдаги жайдоқ (эгарсиз от), мўйинса (тенкур йгитлар бир бирининг хотинини мўйинса деб чақиришади), говмикан (боши оғрикмикан) каби ўзига хос сўзлари билан фарқ қилади ва яраштириш жараёни эр хотинни жуфт холда кегизга ўраб қўйиб ерга ётқизган ҳолда таёқлар билан аста аста уриб бу кўшиқ айтилади ва кегич ичида бўлди ярашдик деган овоз чиққинча давом этади.



ТЎШ МАРОСИМИ

Бахор бўлсин ёз бўлсин
 Мойликгина ош бўлсин
 Уйланмаган уйланиб
 Йиганлари тўш бўлсин.
 Тўш-тўш-тўш билқиллама гўшт.

Йўлга сочинг тангалар,
 Бостириб келар янгалар.
 Дўппи чопон кийгизиб,
 Қочиб қолар янгалар.
 Тўш-тўш-тўш билқиллама гўшт.

Давлатли, бой бўлсин деб,
 Дуо қилар момолар.
 Йигитлик зўр давр деб,
 Ҳавас қилар боболар.
 Тўш-тўш-тўш билқиллама гўшт.

* * *

Куёв ва унинг жўраларини тўш билан сийлаш маросимида ижро этиладиган бу кўшиқ ўзининг сўзлари аниқлиги, фикрлар баёни билан бошқа кўшиқлардан ажралиб туради ва фақат йигитлар томонидан ижро этилади.




ГАШТАК

Баҳор бўлсин ёз бўлсин
Мойликгина ош бўлсин
Гаштак қилиб бермасанг,
Еганларинг тош бўлсин.

Бўз йигитлар бўйингдан,
Эл айлансин тўйингдан.
Гаштак, савбат хурсандлик,
Айирилмасин уйингдан.
Ана гаштак, мана гаштак.
Ўйнаб кулсанг яна гаштак

* * *

Гаштакчи йигитлар қўшиғи ҳисобланган бу қўшиқ йигитлар гаштак давраларида ижро этилиб, оаралиғида беш қарсак билан тўлдирилиб, ўзига хос рақсларига ҳам чорлайди.



ХОЙ БЎЗ БОЛА

Хой бўз бола, бўз бола,
Қайдан жаёв келарсан.
Нени излаб келарсан,
Чарчамайсан еларсан.

Тошкентдан изласанг ёр,
Тилингни бур беқарор.
Сенинг жалроқ тилнга,
Кўникиши бир махол.

Қизлар кўп хамма ёқда,
Ширғайи Самарқанда.
Лекин жуда сипойи,
Қандай бўлар буёғи.

Берай сенга маслаҳат,
Қишлоқ жойдан излаб топ.
Тагин ўзинг биларсан,
Ўз тингингни ўзинг топ.

* * *

Бўз болага бериладиган маслаҳат сифатида айтиладиган бу кўшик, ҳар жойнинг ўз тошу тарозиси борлиги ва ҳар шаҳар ва ҳар қишлоқнинг қизларининг ўзига хос фел атвори, яшаш тарзи борлиги ҳақида куйланади ва ўз тингингни топганинг мақул деган маънода фикр яқунланади.

ТЎП ҚОЧАР

Хуш-хуш молим говмиши,
Елинлари тўлмишим.
Туллаб қоласан ойдаин,
Озроқ жунингдан олайн.

Кангтар овса хут бўлур,
Кади-кади сут бўлур.
Кўкка етган молларнинг,
Жунларидан тўп бўлур.

Қочар қочар тўп қочар,
Ўрга қочар, қирга қочар.
Товга қочар, сойга қочар.
Тўпи тепса, қайга қочар.

* * *

Бу қўшиқ подачи болаларнинг қўшиғи бўлиб, сигир жунидан копток ясалиши, сигирнинг сути мўл бўлиши, Кангтар (қиш билан баҳор фасли оралиғининг алмашуви яъни 10 кунлик) ҳақида маълумот беради ва ўзига хос шўхчан куйланади.



Говмишим

Хўш-хўш майиним говмишим,
Елинлари тўлмишим.
Тўп қилиб ойдаин,
Озроқ жунингдан олайн.

Ох говмишим, говмишим,
Сутлари ширин тўшим.
Қатик қаймоғинг ичиб,
Ўтар хуш ёзу қишим.

Ох говмишим, говмишим,
Ўт егин тилла тишим.
Сутинг тами тилингда,
Югурсанг учар хушум.

Болалайсан хар қишда,
Туллайсан иссиқ ёзда.
Қаймоғинг жуда ширин,
Айронинг жуда созда.

* * *

Қишлоқ ҳаётида меҳнат, маросим, ирим-сирим кабиларнинг ўзига хос қўшиқлари бўлгани туфайли бу қўшиқ ҳам меҳнат қўшиқлари сарасига кириб, авваллардан сигир учун яъни соғин сигир учун аталган бўлиб, сигирларнинг соғилиш даврида соғувчи томонидан ширин муомила қилиниши талаб этилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам албатта ҳар бир соғувчи сигирга нисбатан ўз меҳрини кўрсатиб соғиш даврида ҳар хил сўзлар билан эркалаган ва шу эркалашлар эвазига бу халқ қўшиғи пайдо бўлган. Бу қўшиқни соғиш даврижа ижро этишдан мақсад говмишни ийдириш ва уни ўзига хос эркалашдан иборат.



КЎПКАРИ

Ха жўшма-жўш ўғлонларим,
Мардона куш ўғлонларим.
Ўз қадрини тубан билмас,
Марду бебош ўғлонларим.

Ўртага солим кўйдим,
Солимга тойни кўйдим.
Той бўлмаса куй бўлар,
Бир ажойиб тўй бўлар.

Йигит деган мард бўлар,
Мард йигитлар от чопар.
Кучингни йиғ билакка,
Сўнг етасан тилакка.

* * *

Ўзбек халқининг миллий ўйинларидан бири кўпқари ҳақида куйланадиган бу кўшиқда кўпқарининг мардлар ўйини эканлиги ҳатто баъзида бебошликлар ҳақида куйланади ва кўпқарининг ҳар тарафлама тарифлаб ўтади.



ЧЎПОН БОЛА ҚЎШИҒИ

Наврўз келди қишлоққа,
Қўйлар чиқар ўтлоққа.
Касбу корим чўпондир,
Тоғлар менга макондир.

Жийронимга минсам гар,
Писанд эмас қашқирлар.
Майлига айиқ келсин,
Майли келсин сиртлонлар.

Қўлимда бор таёғим,
Чарчамайди оёғим.
Тоғу-тошдан ўтарман,
Ойқор тоққа етарман.

Элим учун бу жоним,
Ҳалол бўлсин ош-ноним.
Хизматга доим шайман,
Ўз касбимга шайдоман.

* * *

Қишлоқ аҳлининг машхўр касбларидан бири чўпонликни мадх этувчи бу қўшиқ чўпонлик машаққати, унинг мардлиги ва ҳаётини тарифлайди ҳамда ўзига хос рақс билан ижро этилади.

ЧИЛЛИК

Чиллик сопи теракми,
Сопи сенга керакми.
Иргай таёқ синмайди,
Сен айтганинг бўлмайди.

Чиллик-чиллик чилликми
Жегангинаг жилликми
Лакагинг бунча узун
Ўйнаганинг қилиқми

* * *

Болалар ўйини чиллик ўйинини шархловчи бу қўшиқ ўйин олдидан ижро этилиб, ўйиннинг ҳамма шартлари келишиб олинади ва қўшиқ тугагач чиллик (15 см узунликдаги икки томони қаламнинг учуига ўшатиб йўнилган чўп), лакак (50-60 см узунликдаги бош бармоқ йўғонлигидан сал йўғонроқ бўлган таёқ) бўлиб, ўйиннинг асосий қуроли ҳисобланади.

ЛАНГКА

Тепди-тепди жер тепди,
Жер тепдига вақт жетди.
Ким кўп тепди озтепди,
Туширмаган соз тепди.

* * *

Лангка ўйини пўстакдан ясалган ўртасига каттароқ тангадай кўрғошин териға тикилади ва тери узун-узун энгичға ҳолатда атрофи кесиб чиқилади ва тепганда оёқ ердан кўтарилиб, тўпиқ билан тепиладиган ўйин бўлиб, ким кўп тепишға ўйналади.

МУНДАРИЖА

I. ФОРИШ ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАР

1	Ёзикал (айтишув)	4 бет
2	Хуттай бўлиб.....	5 бет
3	Йигит қиз айтишуви.....	6 бет
4	Холой-лолойчи.....	7 бет
5	Қилпиллама.....	8 бет
6	Гулвоққа.....	9 бет
7	Хей ёр-ёр ёринман	10 бет
8	Эх хохо	11 бет
9	Чўнка шувок	12 бет
10	Подпчи қўшиғи.....	13 бет
11	Отга минди.....	14 бет
12	Кокил тўй.....	15 бет
13	Терма.....	16 бет
14	Ноз қўйдим.....	17 бет
15	Беш қарсак байтлари.....	18 бет
16	Сайёдлик санам қизлар	19 бет
17	Хадурма	20 бет

II. БАХМАЛ ТУМАНИ ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАР

16	Потма патир.....	21 бет
17	Хо ялла – ялла.....	22 бет
18	Зебом хол.....	23 бет
19	Тандир кабоб.....	24 бет
20	Али бўйдоқ ва яраш-яраш.....	25 бет
21	Тўш маросими.....	26 бет
22	Гаштак.....	27 бет
23	Хой бўз бола.....	28 бет
24	Тўп қочар.....	29 бет
25	Говмишим.....	30 бет
26	Кўпкари.....	31 бет
27	Чўпон бола қўшиғи.....	32 бет
28	Чиллик.....	32 бет
29	Ланка.....	33 бет

